ТОШКЕНТ ШАҲРИ САНОАТИ ЯРИМ ЙИЛЛИК ПЛАННИ МУВАФФАҚИЯТ БИЛАН БАЖАРДИ

Фақат июнь ойининг ўзида топшириққа қўшимча 6 МИЛЛИОН СЎМЛИКДАН КЎПРОҚ саноат маҳсулоти реализация қилинди

Завод ва фабрикаларнинг ишчи коллективлари В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллиги шарафига олган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажармоқдалар

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

4-йил чиқиши

4 ИЮЛЬ, 1969 й.
ЖУМА
№ 155 (919).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Шаҳримиз обод ва озода бўлсин

ШУ КУННИНГ ВАЗИФАСИ

Янги уйга хонадонлар кўчиб киришди. Биринчи навбатда улар нима тўғрисида ўйлашади? Албатта, ҳовли тоза, яшил ва гўзал бўлиши ҳақида ўйлашади.

Ҳозир бошқа нарса — камчиликлар тўғрисида гап кетади. У ҳам хонадонлар туфайли, шаҳарни тозалаши зарур бўлган ташкилотлар, корхоналар ва муассасаларнинг бошлиқлари туфайли вужудга келган. Айниқса, савдо ташкилотларида бундай нуқсонлар кўп. Шаҳримизни қуриш учун келган бинокорлар ойна, бетон ва алюминдан кўпгина савдо биноларини қуришди, яхши жиҳозлашди. Яқинда бўлган текшириш эса кўпгина совутиш установкалари ишдан чиққанлигини кўрсатди. Бундай ҳолатлар Киров, Чилонзор, Октябрь районларида кўпроқ учрайди. Айниқса, бу саноат корхоналари қошидаги умумий овқатланиш муассасаларида кўзга ташланади.

Редакцияга шаҳримизнинг деярли барча бурчакларидан ҳар куни уй-жой бошқармалари, санитария, эпидемия станцияси, санитария милицияси, «Автодормехбаза» трести ёмон ишлаётганлиги тўғрисида хатлар келиб турибди. Куйбишев, Фрунзе, Октябрь, Киров районларидаги кўпгина кўчаларда ахлат ҳафталаб ташиб чиқарилмайди. Айниқса, Бешқайрағоч ва Янгиобод даҳаларида, Гоголь кўчаси ва бошқа кўчаларда аҳвол жуда ачинарли.

Шаҳарда кеча-кундуз уй-жой, саноат комплекси, маданий-маиший муассасалар қурилмоқда. Минглаб автомашиналар тупроқ ташимоқда. Аммо тупроқнинг устига сув сочиб ёки брезент билан ёпилган бирор автомашинани кўриш қийин. «Главташкентстрой» транспорт бошқармасидаги рахбарлар минглаб машиналар шаҳарни чанг қилаётганлиги билан муросасозлик қилиб келишмоқда. Санитария врачлари, автоинспекция ходимлари, автотранспорт хўжаликларининг бошлиқлари ҳам бунга бепарво қарашади.

Шаҳарда ичиш учун сув етишмайди. Кўпчилик сув гузорларини суғоришга ишлатилади. Ирригация ва гидротехника иншоотлари бошқармаси ариқларни тозалашга етарли эътибор бермаётир.

Райижрокомлар, уй-жой бошқармалари, саноат, қурилиш, муассаса ва ташкилотлар барча кучларни сафарбар этиб, шаҳарни тозалашлари керак. Шу билан бирга, шаҳар транспорти ва ер ости коммуникацияларини ҳам тартибга солиш керак.

Яқинда корхона, ташкилот, муассаса раҳбарларининг шаҳар йиғилишида доклад қилган Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари Т. М. Саркисов шулар ҳақида гап юритди.



Республикамизда қардош Монголия Халқ Республикаси кунлари ниҳоятда муваффақият билан ўтди.

СУРАТДА: Монголия Халқ Республикаси кунларининг қатнашчилари Тошкент меҳнаткашларини ҳадя этган В. И. Ленин ва Сухэ-Баторнинг расми билан.

УЗБЕКИСТОНДА МОНГОЛИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ КУНЛАРИ

ҚАРДОШЛИК ТАРОНАЛАРИ

Ўзбекистонда Монголия Халқ Республикаси Кунларининг қатнашчилари ҳамма жойда самимий ва қизғин кутиб олинди. Меҳмонлар республикамизнинг Нукус, Бухоро, Самарқанд, Андижон шаҳарларида бўлдилар. У ерларда меҳмонларимиз ўзларининг ажойиб қўшиқ ва рақсларини маҳорат билан намойиш этдилар. Қардош халқнинг вакиллари билан бўлган учрашувлар чиндан ҳам халқлар дўстлигининг ёрқин намойишига айланди.

Кеча Монголия Кунларининг қатнашчилари республикамиз бўйлаб қилган мароқли сафарларидан кейин Тошкентга қайтиб келишди. Улар республика халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Алишер Навоий номли Адабиёт музейи экспонатлари билан танишдилар. Ҳамза номли академик драма театрида спектакль томоша қилдилар.

Бугун

монголиялик дўстларимиз Чирчиқ шаҳрига жўнаб кетишди. У ерда Монголия кунларига бағишлаб кўп минг кишилик митинг ўтказиладн.

Шу куни кечқурун пойтахтнинг Санъат саройида Монголия Халқ Республикаси Кунлари тантанали суратда ёпилади.



Улан-Батордаги опера ва балет театрининг солистлари Ганбатор ва Туул «Чакалакзордаги гул» балетидан дуэт ижро этмоқдалар.

● *Шаҳар хўжалиги янгиликлари*

ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ

Киров район маиший хизмат кўрсатиш ишлаб чиқариш бирлашмаси Хоразм ва Карл Маркс кўчалари муюлқшида янги ремонт пункти очди. Бу ерда тикув машинаси, дазмол, пилесос, электр иситгич асбоблари ремонт қилинади.

Пункт усталари ишдан чиққан буюмларингизни уйингизга келиб ремонт қилишлари ҳам мумкин. Буниинг учун В 33804 ёки В33719 телефонлари орқали хабар берсангиз бас.

◆

ГЎЗАЛЛИК УЙИ

«Галаба» боғининг ёнида бугун-эрта хотин-қизларимиз учун гўзаллик уйи ишга тушади. Бу гўзаллик уйи аёлларимизнинг сочларини турли хил, шаклга келтиради, ҳар хил кимёвий безаш, юзлардаги доғларни кетказиш сингари ишларни бажаради.

Ҳозир биргина Киров районида хотин-қизларимиз учун ўнта аёллар сартарошхонаси хизмат кўрсатиб турибди.

◆

ШИРИН ичимликлар ПАВИЛЬОНИ

«Ташлимволторг»нинг Куйбишев район базаси Олой бозорининг марказий майдонида ширин ичимликлар, мороженое, турли хил мева сувлари сотиладиган павильон очди. Ширин ичимликлар павильони бир йўла 350—400 кишига бемалол хизмат кўрсата олади.



СУРАТДА: Тошкент абразив комбинатининг илғор токари, коммунистик меҳнат зарбдори Розия Хайруллина. Корхона коллективи бу аёлни меҳнатсеварлиги учун ҳурмат қилади.

М. Нуриддинов фотолари.

РЕМОНТЧИЛАР МЕҲНАТ ВАХТАСИ

Тошкент шаҳар ижроия комитетига қарашли ремонт қурилиш трестининг 2-қурилиш бошқармаси ремонтчилари В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига меҳнат вахтасида туриб, янги-янги муваффақият л а р г а эришмоқдалар. Бошқармада ярим йиллик план муддатидан олдин анча ортиғи билан бажарилиб, планга қўшимча 300 минг сўмликка яқин ремонт ишлар бажарилди.

Бошқарма раҳбарларининг айтишига кўра қурилиш-ремонт ишлари бўйича йиллик план 11 ойда бажарилади. Ҳозир барча участкалар бунинг учун социалистик мусобақани кучайтириб юбордилар.

Участкаларда ремонт ишлари сифатли ва унумли олиб борилмоқда. Мен бир нечта объектларда бўлиб, ишлаб чиқариш командирлари — иш бошлиқлари, мастерлар, бригада бошлиқлари билан суҳбатлашдим.

Социалистик мусобақада тажрибали прораб П. Г. Лацарис бошчилик қилаётган 2-участка олдинда бормоқда. Пасхалис Григорьевич ишчиларга ўз меҳнати ва шижоати билан ҳамиша намуна бўлади. Ташкилотчилиги, ўз ишини яхши билганлиги туфайли ҳар кимнинг қалбига йўл топа олади. Унинг участкаси бир неча йилдан буён ойлик ва квартал планларини 140—150 процент бажариб, Куйбишев район ижроия комитетининг кўчма Қизил Байроғини қўлдан бермай келмоқда.

Пасхалис Григорьевич Лацарис бошлиқ участка йиллик планни ўн ойда бажаришга қарор қилган. Иш яхши кетяпти. Ҳозир участка коллективи август ойи ҳисобига ишлаб, ремонт-қурилиш ишларининг сифати яхши бўлишини таъминламоқда.

И. САВИН.

ЖАҲОН КОММУНИСТЛАРИНИНГ БУЮК БИРЛИГИ

Партия активлари йиғилишида

КИРОВ

Ўзбекистон халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг мажлислар залида Киров район партия ташкилотлари активининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Коммунистик ва ишчи партиялар ҳалқаро Кенгашининг якунлари ҳақида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари А. Р. Хўжаев доклад қилди.

Йиғилишда сўзга чиққан об-ҳаво бюроси хизмати бошқармасининг бошлиғи Н. Н. Акшарин, «Ўзбексельмаш» заводининг директори Н. Р. Мирзараҳимов, Киров район комсомол комитетининг секретари Д. Олимхўжаева, трикотаж фирмасининг ишчиси М. Мўминова, «Висотстрой»нинг 1-қурилиш бошқармаси партком секретари Т. С. Зяпин ва бошқа ўртоқлар район меҳнаткашлари ҳалқаро кенгаш якунларини қизғин қўллаб-қувватладилар ва уни ҳаётга тадбиқ этишга қарор қилдилар.

ЧИЛОНЗОР

Район партия ташкилотлари активи йиғилишида область партия комитетининг секретари Х. Р. Мусахонова КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми ҳамда коммунистик ва ишчи партиялар ҳалқаро Кенгаши якунлари ҳақида доклад қилди.

Сўзга чиққан коммунистлар КПСС Марказий Комитетининг жаҳон коммунистлари ҳаракати бирлигини жипслаштиришга қаратилган сиёсий ва амалий фаолиятини яқдиллик билан қизғин қўллаб қувватладилар.

Йиғилиш иштирокчилари КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорини бир овоздан маъқуллади.

ФРУНЗЕ

Район партия активининг йиғилиши бўлиб ўтди. КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми, коммунистик ва ишчи партиялар ҳалқаро кенгашининг якунлари тўғрисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг партиявий ташкилий ишлари бўлимининг бошлиғи Г. М. Орлов доклад қилди.

Актив йиғилиши Москва Кенгаши якунлари ва унда қатнашган КПСС делегацияси фаолиятини қизғин маъқуллади.

ҲАМЗА

БУГУН район партия активининг йиғилиши бўлди. КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорини бир овоздан маъқуллади. Партиялар ҳалқаро Кенгашининг якунлари тўғрисида область партия комитетининг секретари К. Н. Бекаев доклад қилди.

Йиғилиш иштирокчилари ҳалқаро Кенгаш якунларини тўла-тўкис маъқулладилар.

ЛЕНИН

БУГУН район партия ташкилотлари активининг йиғилиши бўлди. КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми, коммунистик ва ишчи партиялар ҳалқаро Кенгашининг якунлари тўғрисида область партия комитетининг секретари А. С. Пономарев доклад қилди.

Актив йиғилиши КПСС Марказий Комитетининг сиёсий ва амалий фаолиятини, шунингдек, халқаро Кенгашдаги КПСС делегацияси ишини тўла-тўкис ва батамом маъқуллади.



Ленин районидаги марказий болалар кутубхонаси ҳамиша гавжум. Бу ер каникулга чиққан ўқувчиларнинг севимли қироатхонасига айланган.

СУРАТДА: кутубхона ходимлари Т. Калебина, Э. Аванесова ва Н. Чигрина В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишлаб ўтказиладиган китобхонлар учрашувига тайёргарлик кўришмоқда.

● *Ўқинчи меҳнат семестри*

ЧЎЛГА ОТЛАНИШДИ

Шаҳар вокзалидан 80-поезд Душанба томон жўнади. Вагонларда ҳар қачонгидан ҳам гавжумлиқ, хушчақчақлик ҳукм суради. Ҳа, 300 бўлажак педагоглар ўқинчи семестрда қарши чўлига бориб меҳнат қилишга жазм қилишди. Улар ўқишдагина эмас, балки меҳнатда ҳам жасорат кўрсатишга бел боғлаганлар. Беш отрядан иборат, чўлқуварларга институт комсомол комитетининг секретари Ю. Каплан раҳбарлик қилаётир.

Бугун

чўлқуварларни кузатув тантанасида Низомий номли педагогика институти проректори М. Саидаҳмедов, институт касаба союз ташкилоти раиси Н. Шербоев, студентлардан Х. Отахонов, З. Давронов ўртоқлар сўзга чиқишди. Шаҳар ёшлари чўлқуварларга муваффақиятлар тилаб қолишди.

Ҳ. ҲАБИБУЛЛАЕВ.

ЁШ РАҚҚОСАЛАР ТАРАДДУДИ

Тошкентдаги республика хореография билим юртининг 50 ўқувчиси катта сафар тараддудини кўрабошлади.

Бўлажак раққосалар пролетариат доҳийси В. И. Ленин туғилган ва яшаган жойлар бўйлаб шу ойнинг охирларида ўтказиладиган Ўзбекистон адабиёти ва санъати декадасида қатнашадилар.

Ёш ижодкорлар бу катта шодиёна маросимларида «Ўзбекистон» рақсини, «Баядера» балетидан вариацияни, «Навқирон ёшлик» рус рақсини ижро этадилар. Болаларнинг гастроллари Горький, Ульяновск, Қозон ва бошқа шаҳарларда ўтказилади.

Бундан олдин ҳам хореография билим юртининг талабалари Совет Иттифоқининг бир неча шаҳарларида нафис санъатларини намойиш қилишган эди.


ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТЎЛА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНДИ

ПРАГА, 2 июль. (ТАСС). «Руде право» газетаси Словакия Коммунистик партияси Марказий Комитети Президиумининг кеча бўлиб ўтган мажлиси тўғрисидаги хабарни босиб чиқарди.

Президиум Коммунистик ва ишчи партияларнинг Москвадаги халқаро Кенгаши якунлари тўғрисидаги ва шу кенгашда қатнашган Чехословакия Компартияси делегациясининг фаолияти ҳақидаги ахборотни муҳокама қилди.

Словакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Президиуми кенгашда қабул қилинган ҳужжатларни батамом қўллаб-қувватлашини изҳор қилди. Марказий Комитет Президиумининг фикрича, партия ўзининг ғоявий-тарбиявий ишида ана шу ҳужжатларга амал қилиши лозим. Словакия Компартияси Марказий Комитетининг Президиуми бу ҳужжатларни Чехословакия Компартиясининг ташқи сиёсатдаги йўлининг, айниқса унинг коммунистик ва ишчилар ҳаракати ҳаракат бирлигини пролетар интернационализми принципларини негизида мустаҳкамлашга ва дунёдаги барча антиимпериалистик кучлар билан ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган кўғайратларининг ажралмас таркибий қисми деб билади.



БОЛГАРИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ.

СУРАТДА: Софиядаги янги «Борово» турар-жой массиви.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ ГАЗЕТАЛАРДА

◆ Монголия Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги кунлари қатнашчиларига 3 июль куни тантанали равишда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари топширилди. Қардош мамлакатларнинг ижодий жамоат ташкилотлари, адабиёт ва санъат арбоблари МХРнинг Ўзбекистондаги кунларини муваффақиятли ўтказганликлари учун ана шу мукофотлар билан тақдирландилар.

◆ Кеча Тошкентда республика касаба союзлари советининг пленуми бўлди. Пленум ВЦСПС Президиуми қарорини бажаришга доир амалий тадбирларни ишлаб чиқди, касаба союз советларига ва комитетларига касаба союз кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйишнинг ленинча принципларига қатъий риоя қилинишини таъминлашни топширди.

ҲАР КУНИ 90-100 ТОННАДАН

Иттифоқимиз марказий шаҳарларини ёз ноз-неъматлари билан таъминлашда Калинин район тайёрлов идораси ходимларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Улар ҳозиргача Москва, Ленинград Киев, Свердловск, Новосибирск шаҳарларига ҳамда республикамиздаги йирик саноат марказларига 2,5 минг тоннага яқин карам, картошка, пиёз, сабзи, бодринг ва бошқа ҳар хил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари жўнатдилар.

Тайёрлов идораси ходимларининг жонкуярлиги туфайли ҳар куни 90-100 тоннадан ортиқ қишлоқ хўжалик маҳсулотлари вагонларга юкланмоқда.



Ленин мангу яшайди

ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗМ— БИЗНИНГ ШИОРИМИЗ

Фрунзе район партия комитетининг Ленинча билимлар университети «Пролетар интернационализми тўғрисида марксча-ленинча таълимот ва ҳозирги замон» темасига бағишлаб илмий —амалий конференция уюштирди. Конференция В. И. Ленин юбилейи олдидан ўтказилди.

Олимлар, партия ходимлари, пропагандистлар, корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарлари конференция ишида қатнашдилар.

Конференциянн Фрунзе район партия комитетининг биринчи секретари Т. И. АКИМОВА очади.

Фалсафа фанлари доктори, Низомий номидаги педагогика институти, фалсафа кафедрасининг мудири Э. ЮСУПОВ «Марксизм-ленинизм пролетар интернационализмининг моҳияти ва асосий принциплари ҳақида доклад қилди.

«Ўзбек халқининг бошқа қардош халқлар билан дўстлигининг тарихий илдизлари» темасида фалсафа фанлари кандидати театр-рассомчилик институти марксизм-ленинизм асослари кафедрасининг мудири Х. Ф. ВОҲИДОВ доклад қилади.

Темир-бетон буюмлар заводининг директори Н. Ф. КЛЕБЛЕЕВ, 5-қурилиш трести партия комитетининг секретари Д. И. ПОПОВ, тўқимачилик комбинати касаба союз комитетининг раиси А. Р. ХОЛТОЕВ, Фалсафа фанлари кандидати, тўқимачилик институти илмий коммунизм кафедрасининг раҳбари И. ЖУМАБОЕВ ўртоқлар ўз сўзларида ленинча миллий сиёсатнинг амалга оширилганлиги, халқлар дўстлиги, ёшларни ватанпарварлик ва интернационализм руҳида тарбиялаш тўғрисида гапирдилар.

Ягона қардош оилада

Назарий конференцияда биринчи бўлиб Э. Юсупов доклад қилди.

Миллий озодликнинг асосий шарти иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан эркинликка эришишдир. Шунинг учун ҳам фақат социализм давридагина чинакам тенглик ва озодлик бўлади. Шу сабабли пролетар интернационализм принципи социализм, социалистик ишлаб чиқариш муносабатлари шароитидагина амалга ошади.

Бизда пролетар интернационализми ривожланиб социалистик интернационализмга айланди. Бу интернационализм экономиканинг тўхтовсиз ўсишини, кўпмиллатли мамлакатимиз халқлари маънавий ҳаётининг ривожланишини таъминлайдиган модий кучга айланди.

Партиямиз барча халқлар ўртасидаги дўстлик ва бирдарликни мустаҳкамлашга қаратилган ленинча миллий сиёсатни амалга оширмоқда.

Ўзбекистонда ленинча миллий сиёсатнинг тантанаси

—Мамлакатимиздаги социалистик миллатлар туб маъноси билан улуғ Октябрь самарасидир. Социалистик миллатларнинг шаклланиши миллий масала ҳақида марксча-ленинча таълимотнинг тўғрилигини тасдиқлади, — дейди Б. И. Попов.

— Маълумки, революцияга қадар Ўзбекистонда индустрия шу қадар кам ривожланган эдики, ҳатто миҳ ва кетмон ҳам бошқа жойлардан келтириларди. Ҳозирчи? Ҳозир Ўзбекистонда ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ҳажми Ўзбекистон ССР ташкил этилган 1924 йилдагига нисбатан 86 баравардан зиёдроқ ўсди. Аҳоли жон бошига электр энергия ҳосил қилиш жиҳатидан Ўзбекистон Испания, Португалия, Греция, Венесуэла, Чили, Аргентина каби капиталистик мамлакатлардан ўзиб кетди. Машинасозлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш

САЁҲАТ–РОҲАТ

Янги шеърлар

ДАҲРИЙ МОНОЛОГИ

Тирилақол, Тумарис момо,
Тирилақол, қаҳрамон Широқ!
Йироқ тарих орқада, аммо
Олдинда ҳам тарих бор йироқ...
Таъзим этай, Сизга аждодим!
Сиздай бўлай: ботир ва танти!
Тирилтирар тарихни ёдим,
Мен ҳам бу кун тарих фарзанди!
Чарх уради бошимда тарих,
Бошимда у — муаззам қоя.
Мен олдида митти бир тариқ,
Мен олдида ўткинчи соя.
Тутолмасам елкамни агар —
Янчар эди гавдамни бу юк!
Янча олмас мени қоялар —
Бўлса-да, у, ваҳший ва буюк!
Қара...
Оташ.
Жулдур устў бош.
Соқов тепа — боболарга жой.
Ултиришар тўпланиб, ювош,
Олов бўлиб уларга худой!
Бут кўринар.
Юпун устў бош.
Катак бир уй— боболарга жой.
Чўққишар, кўзларида ёш,
Шу бут бўлиб уларга худой!
Совуқ меҳроб,
Вайрон устў бош.
Оғир масжид — боболарга жой,
Букилишар, эгганча бош,
Тошлар бўлиб уларга худой!
Мен ҳам кўрдим...
Ёзиб белбоғни
Чоллар этар кўкка илтижо.
Ва англадим,
Билмас фироқни —
На Самовот, на Ер, на Худо!
Афъюн эди— олов, бут ва тош,
Бошлар эди худо гўлликка!
Боболар, сиз бўлгандек ювош
Бош эгдингиз асрий қулликка!
Нечун салла, нечун жандалар,
Ва арабий манфур эътиқод!!
Ва саробга бўлмоқ бандалар —
Бўлганн дам маънони ҳаёт!
Биз Тумарис. Широқ авлоди,
Қудрат надир англаган одам.
Сескантирар қулликлар ёдн,
Шу қулликлар кўланкаси ҳам.
Дунёдаги сўнгги мусулмон!
Парчалагин занжирларни бот!
Ҳур бўл руҳан!
Эркин, ҳур замон—
Инсонга кўй ёркин эътиқод.
Сиғинмагин, аммо унга ҳам,
Турақолгин бўлиб елкадош.
Нарвон бўлар елкалар у дам —
Кўкка чиқар елкадан қуёш...
Тирилақол, Тумарис момо,
Тирилақол, қаҳрамон Широқ!
Йироқ тарих орқада, аммо
Олдинда ҳам тарих бор йироқ!

Омон МУҲТОРОВ.

Туризм билан экскурсия дам олиш формасигина бўлиб қолмай, айни пайтда аҳолининг маданий савиясини оширишнинг ва уни ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялашнинг муҳим воситаси ҳам бўлиб қолмоқда...

Тарих ва маданият ёдгорликлари билан, жонажон ўлка табиати билан, экономика, фан ва маданиятни ривожлантиришда эришилган муваффақиятлар билан танишиш совет кишиларини Ватанга меҳр-муҳаббат руҳида, халқимизнинг жанговар революцион ва меҳнат анъаналарига садоқат руҳида тарбиялашга ёрдам беради.

(КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг «Мамлакатда туризм ва экскурсияни янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида»ги қароридан.

Намунали хизмат

«Таштрансагентство» агентлиги меҳнаткашларнинг турли шаҳарларга туристик саёҳатлар уюштиришига яқиндан ёрдам беради.

Ленин номли электроламна, электротехника, Чкалов номли авиация заводлари шунингдек, фабрикалар, институтлар, мактабларнинг маъмуриятлари агентликка бирор жойга боришлари тўғрисида тез-тез илтимосномалар бериб туришади.

Агентлик томонидан ажратилган махсус автомашиналар саёҳатчиларни қадимий ва навқирон Самарқанд, Бухоро каби йирик тарихий шаҳарларга олиб боряпти.

Навбатда республиканинг бошқа оромбахш ва сўлим жойларига саёҳат маршрутлари ташкил қилиш тадбирлари кўрилмоқда.

Яқинда Фарғона водийсига турли ташкилот вакилларидан иборат бир группа саёҳатчилар жўнаб кетишади.



Саёҳат-роҳат. Ҳа, дарҳақиқат шундай. Гаштли меҳнатдан сўнг мириқиб дам олишга, туристик походларга чиқишга, яйрашга нетсин! Бу борада шаҳримиз ёшлари ҳам турли-туман жойларга чиқиб туришади. Суратларда: (юқорида) бир группа ёшлар навбатдаги туристик саёҳатга чиқиш олдидан, Тоғ бағрида сўлим жойда ёшликнинг романтикаси — улар мириқиб дам олишяпти. (пастда).



Мароқли сафар

Совет Иттифоқининг шаҳарлари бўйлаб саёҳат қилиш ва дам олиш оммалашиб боряпти. Яқинда «Ёшлик» туристик поезди уч ҳафта давом этган ана шундай қўнгилли сафардан қайтиб келди. 500 нафарга яқин ишлаб чиқариш илғорлари Москва, Киев, Харьков, Рига, Таллин, Вильнюс каби шаҳарларда бўлишди.

Сафар саёҳатчиларда жуда катта таассурот қолдирди.



Қурувчилар ороми

Шаҳар қурилиш ва пардозлаш трести ишчиларининг яхши дам олишларини уюштириш мақсадида бир қатор тадбирлар белгиланмоқда.

Сирдарё этакларида пойтахт қурувчиларининг махсус дам олиш зонаси қурилди. Ҳафтада 250 киши ором оладиган бу жой бинокорларга манзур бўлмоқда.

Тошкент область қурилиш ходимлари касаба союзлар Совети бунёдкорларининг саёҳат ва дам олишларини кўзлаб Оқтошдаги Сойлик қишлоғида, Иссиқ кўлда, Чимёндаги ўн икки бўлоқда ана шундай зоналарни ташкил қилди.

Шу йил қурувчилардан 10 мингга яқин кишининг шаҳар атрофидаги сўлим жойларда, тоғ бағриларида, тарихий шаҳарларга саёҳат қилиб, ором олишлари кутилмоқда.

Ўлка бўйлаб

Ёзги каникул мактаб ўқувчиларининг мамлакат бўйлаб саёҳат қилишлари учун энг қулай пайтдир. Шу кунларда республика болалар туристик станцияси ўқувчиларнинг мароқли саёҳатларини уюштирмоқда.

Республика бўйлаб саёҳатга чиққан юзлаб тошкентлик болалар Ўзбекистоннинг шаҳар ва қишлоқлари билан танишмоқдалар.

Июль ойи туристик саёҳатларнинг энг қизғин даврндир. Республика мактабларининг ўқувчилари Иттифоқимизнинг энг йирик шаҳарлари ва сўлим жойларига таклиф қилинмоқда. «Москва — Ленинград — Рига маршрути бўйлаб ташкил қилинадиган туристик саёҳат ниҳоятда гаштли бўлади.

Ёшлар бу ерларда Октябрь революцияси билан боғлиқ бўлган тарихий жойларни кўришади.

Бундан ташқари яқинда мамлакатнинг сўлим ва гўзал жойлари —Кавказ ва Қримга, Киев шаҳрига болаларнинг махсус саёҳати уюштирилади.

Умуман, мавсумда республика бўйича 2 мингдан ортиқ бола саёҳат ва экскурсияларда мириқиб дам олиб қайтишади.



ДЎСТЛИК ГУЛДАСТАСИ

Дўстлик деб аталган бу муқаддас сўз,
Мазмунин тополди қардошлараро.
Олам бу сўз билан фахр этар ҳаргиз
Дўстлик гулбоғлари яшнар тобора.
Узоқ йўллар босиб мўғул элидан
Ёшлик колоннаси келди, хуш келди.
Сухэ ботир мардининг авлодидир бу,
Бу авлод эркликда дадил етилди.
Узбек чаманзори сахий дастурхон,
Дўстлик қўшиқларин бирга куйлаймиз.
Тинчлик садолари янграр баралла,
Бахтли келажакни мағрур ўйлаймиз.
Бу шодлик узилмас этади давом,
Мўғул қардошларга саломлар бўлсин.
Узоқдан кўнгилни яқин тутаркан,
Бизнинг диёр каби у ер ҳам кулсин.
Созлар жаранглсин, тинглаймиз шодон,
Ёшлик тўйларидай ўйнаймиз хурсанд.
Тинчлик бошимизда доим барқарор
Шул учун боғларда қувнаймиз хурсанд.
Дўстлик деб аталган бу муқаддас сўз,
Мазмунин тополди қардошлараро.
Олам бу сўз билан фахр этар ҳаргиз,
Дўстлик гулбоғлари яшнар тобора.

Ю. ҲАМДАМ.

Монголия почта маркаси

1924 йилда Халқ Республикаси деб ном олган янги Монголия Совет Иттифоқининг бегараз ёрдами билан ўзининг халқ хўжалигини тиклаш ва биринчи навбатда чорвачиликни ривожлантиришга киришди. Бу эса ўз навбатида Монголияда чиқадиган қатор почта маркаларида ўз аксини топа бошлади. Илгарилари чиқарилган маркаларда диний расмлар, худога сиғинишлар акс этган бўлса, 1932 йилдан бошлаб бундай маркаларга барҳам берилди. Энди озод ҳаётни куйлаш, хўжаликнинг ҳамма тармоқларини тараннум этиш Монголия маркаларининг асосий мавзуи бўлиб қолди. Дастлабки маркаларда тоғлар, туялар подаси акс этган бўлса, ундан кейинги йилларда қурилиб ишга тушган завод ва фабрикалар ва уларда ишлаётган кишиларнинг очиқ чеҳралари ифода этилган. Қатор маркалар чорвачиликка бағишланган бўлиб, улардан бири йилқичиликни ифода этади. Маркаларнинг яна бирида Монголиянинг солдати, яна бошқасида халқ қаҳрамони Сухэ-Батор ҳайкали ифода этилган.

Сиз кўриб турган ушбу маркаларда Монголияда спортнинг ҳамма турлари ривож топганлиги ва жаҳон олимпиада ва бошқа мусобақаларда актив қатнашаётганлиги тасвирланган.

Маркаларда футбол, кураш, узоққа чопиш ва гимнастика каби спортнинг оммавий миллий турлари рангбаранг бўёқларда ва нақшларда берилган.

И. УСМОНОВ.

Алоқа ҳодими.



Республикамиз меҳнаткашлари ҳамма ерда қардош монгол дўстларини шоду хуррамлик билан кутиб олмоқдалар.

СУРАТДА: самимий учрашувлардан бири.

М. Нурмдинов фотоси.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ОСИЁ ВА АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИДА

СОМАЛИ ХАЛҚИНИНГ БАЙРАМИ

МОГАДИШО. (ТАСС). Янги мустақил давлат Сомали республикаси 1960 йил 1 июлда вужудга келган эди. Шу кунларда Сомали халқи Англия ва Италия мустамлакачиларига қарши шиддатли курашда эришган мустақиллигининг 9 йиллигини байрам қилмоқда. Мамлакат асосан банан етиштириш ва чорва моллари экспорт қилишга қаратилган бир томонлама ўсган экономикани ўтмишдан мерос қилиб олган эди. Мамлакатда деярли равон йўллар, саноат корхоналари тамомила йўқ эди. Ёш давлатнинг биринчи беш йиллик плани, шундан кейин экономикани ривожлантириш уч йиллик плани Сомалининг ўз саноати ва транспортини яратишга имкон берди. Социалистик мамлакатлар билан иқтисодий, техника ва маданий ҳамкорлик Сомали республикасини ривожлантиришда катта роль ўйнамоқда.

Совет техника мутахассислари ёрдами билан Сомалида мактаблар ва госпиталлар, радиостанция ва босмахона, пойтахтда сут заводи барпо этилди. Мамлакатнинг шимолида Барбарда замонавий денгиз флоти қурилди ва фойдаланишга топширилди. Кисимаюда замонавий гўшт-консерва заводи ишлаб турибди.

Совет халқи миллий кадрлар тайёрлашда Сомалига катта ёрдам кўрсатмоқда. Сомалининг юзлаб йигит ва қизлари совет олий ўқув юртларида таълим олмоқда.

Сомали республикаси империализм ва янги мустамлакачиликка қарши актив курашмоқда, араб халқларининг исроил агрессиясига қарши, Африкада империализм киридикорларига қарши олиб бораётган курашини қизғин қўллаб-қувватламоқда.

Сомали халқи ўз истиқболига комил ишонч билан қарамоқда.

СОВЕТ МУТАХАССИСЛАРИ ЁРДАМИДА

ДЕҲЛИ. (ТАСС). Ҳиндистон ҳукумати Камбей кўрфазида денгиз остида пармалаш ёрдамида нефть қазиб чиқариш имкониятларини ўрганмоқда. деб хабар беради ПТИ агентлиги. Совет мутахассислари ўтказган сейсмик разведка шу кўрфаз соҳилларида ҳам ва чуқур сув остида нефть конлари мавжудлигини кўрсатди. Соҳилларда пармалаш доимий платформалардан фойдаланган ҳолда Совет Иттифоқининг техникавий ёрдами билан ўтказилади.

Польша Халқ Республикасининг 25 йиллиги олдидан

ЮБИЛЕЙГА СОВҒАЛАР

«Халқ Польшасининг 25 йиллигини ишлаб чиқаришда ва жамоат ишларида ташаббус билан кутиб оламиз!» — республикамиз пойтахтида мана шундай шиор жаранглади. Бунинг ташаббускори мамлакатнинг иқтисодий харитасида бундан ўн икки йил аввал пайдо бўлган «Варшава» металлургия заводи коллективи бўлди. Варшавалик металлургларнинг ташаббуси ПХР меҳнаткашлари томонидан кенг қўллаб қувватланди. Юбилей шарафига қабул қилинган мажбуриятлар ҳақида республиканинг турли томонларидан рапортлар келяпти.

Силезияда В. И. Ленин номидаги кўмир кони шахтёрлари йил охиригача қўшимча 60 минг тонна кўмир қазиб чиқаришга ваъда бердилар. «Сосновец» шахтасининг айрим бригада ва участкалари пландан ташқари ўттиз минг тонна ёнилғи бериш мажбуриятини олдилар. Юбилей мусобақасига «Згода» техника жиҳозлари заводи коллективи ҳам ўз ҳиссасини қўшяпти. Бу корхона ишчилари қўшимча бир қатор янги буюмлар ишлаб чиқарадилар. Бундан ташқари экспорт товарларни, хусусан, КХДР учун кема двигателлари ва Совет Иттифоқи учун айрим деталлар тайёрлаш тезлашади.

Шецин воеводалиги варшаваликларнинг чақиришини Шецин-Свиноуйсьце-Колобжег порт комплекси докерлари қўллаб - қувватладилар. Улар йил охиригача пландан ташқари экспорт учун 30 минг тонна кўмир, 60 минг тонна дон, 23 минг кубометр ёғоч буюмлар юклайдилар. Юбилей олди меҳнат мажбуриятларини «Польша океан линияси» корхонасининг 73 кемаси экипажи ҳам қабул қилди. Дунёнинг турли бурчакларидаги энг олис портлардан телеграммалар келяпти.

Бидгошдаги «Замех» корхонаси ишчилари бу йил қўшимча 21 тонна пластмасса, 15 тонна бўёқ ва 390 тоннага яқин ярим фабрикатлар ишлаб чиқаришга қарор қилишди. Республикадаги йирик «Туров» электростанцияси коллективи шонли санани пландан ташқари 100 миллион киловатт соат электр энергия ишлаб чиқариш билан кутиб олади.

Варшаваликларнинг чақириғи қишлоқда ҳам кенг қўллаб қувватланди. Жумладан, Познань воеводалигидаги Соколова давлат қишлоқ хўжалиги артели ишчилари қора моллар ва чўчқалар сонини ошириш учун қарор қилдилар. Улар бундан ташқари жамоатчилик асосида ишчиларнинг уйларини ремонт қилиш, болалар боғчаси ва қадвахона қуриш мажбуриятини олдилар. Прошовиц повяти (райони) даги Пиотрковиц қишлоғи аҳолиси комбинат қурилишидан жамоатчилик асосида қатор ишларни бажарялти. Шамотуль повяти «Битин» давлат хўжалиги артели қўшимча 400 тонна ғалла беради.

Республика ёшлари ҳам юбилей вахтасида меҳнат қилишяпти. Варшава студентлари бепул 30 минг соат ишлаш мажбуриятини олдилар. Польша студентлари бажарадиган ишларнинг умумий қиммати 2.5 миллион злотани ташкил этади.

Меҳнат суръатининг тезлашганлиги, ишлаб чиқариш ҳажмининг ортганлиги, кўпгина объектларни фойдаланишга топширш муддати қисқарганлиги, хом ашё қазиб олиш суръати ошганлиги — халқимизнинг социалистик Польшанинг «кумуш юбилейи»га тайёрлаган совғаси мана шулардан иборат.

Варшава.

Божена ВАВЖЕВСКАЯ,
Польша журналисти.
(АПН — Интерпресс).

СУВАЙШ КАНАЛИДА ОТИШМА

ҚОҲИРА, (ТАСС). Сувайш каналида жанглар тўхтатилган бутун линия бўйлаб шиддатли тўп отишмаси бўлиб ўтди. Бирлашган Араб Республикаси қуролли кучлари қўмондонлиги вакилининг айтишига қараганда, бу отишма каналнинг шимолий секторида Ал қантара, Ал-фирдан ва Деверсуар қишлоқлари районида ярим кечада бошланиб кетган, сўнгра эса Сувайш, Порт тавфиқ ва Аш-шатт районидаги каналнинг жанубий секторига ҳам ёйилган. Отишма маҳаллий вақт билан соат 13 да тўхтаган. Мана шу тўп отишмаси вақтида Миср тўпчилари душманнинг ўт очиб турган бир қанча позицияларини емириб ташлаганлар.



ВЕНГРИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ. СУРАТДА: машҳур венгер «Салами» қазиларини экспортга ҳозирлаш.

КАНАЛ ЗОНАСИДА ОТИШМА

ҚОҲИРА. (ТАСС) Сувайш канали зонасида Миср билан Исроил қўшинлари ўртасида артиллерия ва миномётлардан отишма бўлди. Бу отишма Ал-қантара ва Ал-балах шаҳарлари районида маҳаллий вақт билан эрталаб соат 5 да бошланиб, соат 6 дан 25 минут ўтгунча давом этди. Кечқурун соат 17 дан 15 минут ўтганда яна шу районларда отишма бошланиб, соат 20 да тўхтади.

Мана шу отишма натижасида душманнинг бир қанча ўт очиш нуқталари бостирилди ва Исроилнинг битта йўл кўрсатиб турувчи самолёти ўрниб туширилди.

29 июньда Ал-фердон, Ал-қантара ва Деверсуард аҳоли яшайдиган пунктлари районида Миср ва Исроил қўшинлари ўртасида Сувайш канали зонасида отишма такрорланди. Бирлашган Араб Республикаси қуролли кучлари вакилининг Мен агентлиги берган баёнотида айтилишича. отишма вақтида Миср қўшинларининг жавоб ўқи билан душманнинг бир қанча ўт очиш нуқталари бостирилган ва Исроилнинг бир қанча истеҳкомлари вайрон қилинган.

Қўйларга қарши танклар

САРДИНИЯДАГИ Оргосоло айлонида шу кунларда қўй подалари ўрнига бу ерга маневр ўтказиш ва отишма учун келган моторлашган «Триесте» дивизиясининг оғир танклари ва ўзиюрар қуролларини кўриш мумкин. Бу районда маневрлар ҳар куни ўтказилмоқда ва маҳаллий аҳолига катта зарар етказмоқда. Дайди ўқлардан моллар ҳалок бўлмоқда, айловлар пайҳон қилинмоқда, деҳқонлар молларни унумсиз ерларга ҳайдаб кетмоқдалар. Улар бу ерда кўплаб ҳафта ва ойлар мобайнида қолиб кетадилар.

«Триесте»нинг келиши ҳақида эшитишганда оргосололик деҳқонлар маневрларга кескин қарши чиқдилар. Қарийб ҳамма аҳоли ўз уйини ташлаб тоққа — ҳарбий машқлар районига кетди. Тоғ оралиқларига, ўрмонларга, жарликларга яширинди. Айни пайтнинг ўзида у ерда минглаб бош қорамол тўпланди. Булар ҳаммаси, табиийки, маневрларни белгиланган муддатда бошлаш имконини бермади.

Бироқ, ҳарқалай деҳқонлар билан континентал Италиянинг, Сардиниянинг турли томонларида Оргосолога юборилган кўпминг кишилик полициячилар ва деҳқонлар ўртасида... «ҳарбий ҳаракатлар» бошланиб кетди. Италия газеталарининг Оргосолодан ёзилаётган корреспонденциялари ҳарбий ҳаракатлар фронтидан берилаётган ахборотларни эслатаётгани таажжубланарли мас. Айни вақтда аҳоли етти минг полициячи ва солдат билан қуршаб олинган. Ўз яйловлари снаряд ва бомбалардан ўйдим-чуқур бўлиб кетишни истамаган 600 «тартибузар» чўпон ушланди ёки «асир қилиб» олинди. Бироқ, кўрилган тадбирларга қарамасдан, тоғларда 2 мингдан ортиқ эркак, аёл ва болалар туришибди, уларни жазо қўллаш йўли билан у ердан тушириш ҳеч мумкин эмасга ўхшайди.

Ҳозир бўм-бўш Оргосолода полициячилар ва ҳарбийлар хўжайинлик қилишмоқда, улар «Ҳарбий маневрлар керак эмас!», «Яйловлар замбараклар ва пошмешчиклардан ҳоли бўлсин!», «Қурол эмас, ер керак!» деган ёзув ва плакатлар ёпиштирилган шаҳар кўчаларида изғиб юришибди.

Округ аҳолиси талабларини Италия ҳукумати олдига қўйиш учун Оргосолодан Римга делегация жўнаб кетди. Бу талаблар Оргосоло зонасини ҳарбий полигонга айлантирмаслик учун қатъий гарантия белгиланиши, маневрлар натижасида деҳқонлар кўрган зарарнинг ҳаммаси тўланиши, бу улкан қишлоқ хўжалигини ўзгартириш учун ҳукумат томонидан зарур бўлган миқдорда дарҳол маблағ ажратилишига эришишдан иборатдир.

И. БОЧАРОВ,
АПН махсус мухбири.



— Қизимдан нимани сўрамай, ҳечам дуруст ҳеч жавоб ололмайман. Ҳайронман, бизнинг замонимизда ўқув программаси жуда кенг бўларди. Мана битта мисол. Тунов куни икковимиз ошхонага кирдик. Бир киши тишини кавлаб ўтирган экан, қизим ўшани кўрсатиб: «Ойи, бу киши нега кавш қайтаряпти?» деб сўраб қолса бўладими! Илтимос қиламан, тўртинчи синф ўқувчиси одамзод сут эмизувчилар тоифасига кирмаслигини билиб қўйсин.

Директор ўқув программаси мактабда эмас, балки маориф министрлигида тузилишини, шунинг учун бу масала бевосита министрликка тааллуқли эканини айтиб, уни тинчитмоқчи бўлди. Лекин жувон ҳам бўш келмади.

— Бир нарса бўлса, нуқул ҳукуматни рўкач қиламиз. Одамзод сут эмизувчиларга кирмайди, деб айтиб қўйиш на ҳукуматнинг ва на министрликнинг иши бўлмаса керак албатта.

Ҳаммалари бир-бирини кулдириш учун атайлаб майнавозчилик қилаётгандек туюлди. менга. Лекин важоҳатлари ғоят жиддий эди.

Синфимизда Мурод деган бир бола бор. Мабодо ўқитувчи уни чақириб қолса:

— Кимга айтяпсиз? — деб бўяраяди.

— Кимга бўларди, сенга-да!

—Менгами, афандим?

— Ҳа, сенга айтяпман.

—Ростдан менгами, афандим?

Ўқитувчи унинг исмини айтиб чақирсаям ёки синфда икковидан бошқа одам бўлмасаям Мурод нуқул аниқовсираб тураверади. Буни кўриб ўқитувчи жиғибийрон бўлади.

— Рўпарамда турган сенмисан ахир?! Сенга бўлмай, кимга айтяпман, Мурод!

Мурод шунда ҳам орқа-олдига қараб аланглайди. Бир кун орқасига ўгирилиб, қуп-қуруқ деворга қараб шунақаям тикилдики. Узоқ роса қулишдик.

Бир киши ўрнидан турди. Кейин билсак, у Муроднинг отаси экан.

— Рухсат этсангиз, мен ҳам икки оғиз гапирсам.

— Марҳамат, афандим, эшитамиз, — деди раислик қилаётган хоним.

— Менга айтяпсизми? —ҳайрон бўлиб сўради Муроднинг отаси.

— Ҳа, сизга. Гапираман деяпсиз-ку.

— Ким? Меннми?

— Ҳа, сиз.

— Мен-а?

—Шундоқ афандим. Марҳамат, сўз сизга.

Муродга ўхшаб у кишиям қўлини кўксига қўйди:

— Мен гапирайми?

Залдан туриб аллаким «Йўқ, сиз эмас, мен!» деб луқма ташлаган эди, гур этиб кулги кўтарилди.

Муроднинг отаси нутқини бошлаб юборди. У мактабда болаларга копток ўйнатмаслик керак, ўғлим коптокка берилиб дарсларидан қолиб кетяпти, деди.

— Ўғлингиз қайси синфда ўқийди? — луқма ташлади директор.

— Ким, менинг ўғлимми?

— Ҳа, сизнинг ўғлингиз.

Муроднинг отаси пича ўйланиб тургач:

— Шу мактабда ўқийди,— деб жавоб берди.

— Хўш, синфи бормн? Нечанчи?

—Нима, нечанчи?

Кимдир яна «Оёқ кийимингизни сўраяптилар. Размерини айтинг!» деб қичқирган эди, зал шарақлаб кулиб юборди.

Бояқиш ўғли нечанчи синфда ўқишиниям билмас экан. Муроднинг исм-фамилиясини айтгандан кейингина бу киши ўртоғимизнинг отаси эканлиги маълум бўлди.

Яна бир нотиқ сўзга чиқиб, бир қулоч ваъзхонлик қилди. Шунақаям гапни чайнаб гапирарканки, ўтирганларнинг тоза энсаси қотди.

— Туркия фақат асаларичилик ҳисобига тараққий этиши мумкин, жамоблар, — деб бошлади у нутқини.

Асаларичилик билан ота-оналар мажлиси ўртасида қандай алоқа бўлиши мумкинлигини тушунолмаганимсиз туфайли кулгидан ўзимизни аранг тийиб турибмиз.

У асаларичиликка оид жуда кўп китоб ўқиб чиққанини айтиб, асалари қандай бўлишини тушунтириб берди.

— Асалари одатда кичкина бўлади. Қанотлари ҳам бор. Донм учиб юради. Ўзи асал қилади. Киши организмига асалнинг фойдаси катта. Ғоят фойдали нарса. Асални нонуштага ёки овқатдан кейин истеъмол қилиш мумкин. Мураббоси ҳам лаззатли бўлади. Аслида асал икки хил бўлади...

Нотиқ оғзидан бол томиб, асаларичилик хусусида роса маъруза қилиб бўлгач бевосита арияларга ўтди.

— Мен сизга айтсам, ариар икки хил бўлади —қовоқ ари ва асалари.

Залда ғала-ғовур бошланди. Директорнинг сабри тугади.

— Хўш, асаларининг кимга кераги бор?

— Асаларимми? Ахир ундан асал олинади.

— Яхши, асалнинг нима кераги бор?

— Нега кераги бўлмасин? Асал ҳамма нарсага керак.

— Хўп, мактабга асалнинг нима алоқаси бор?

— Рухсат этсинлар, бу ёғини энди айтаман. Ҳозир бир жаноб фарзандларимизнинг олган билимидан бирор наф бўлсин, турмушда фойдаси тегсин, деб гапирди. Жуда тўғри таклиф. Мен ўғлимдан қиёс қиламан. Ўғлим учбурчак бурчакларининг йиғиндиси бир юз сақсон градус бўлишини билади-ю лекин асалари ҳақида мутлақо тасаввури йўқ. Хўш, ўша бурчаклар йиғиндиси юз саксон градус бўладими ёки беш минг ми — бунинг кимга кераги бор? Қанча бўлса бўлаверсин. Мана, ўзларингиз айтинг-чи, шунча йил яшаб, қайси биримизга керак бўлиб қолди бу нарса? Биров биздан учбурчакни сўрадими? Асло йўқ. Шундоқ экан, ҳар хил бемаъни нарсалар билан ўғил-қизларимизнинг миясини ачитишмасин.

(Давоми бор)





ЖОНАЖОН ВАТАНИМИЗДА

«Мосфильм» киностудиясида режиссёр А. Роом «Кечки гуллар» номли янги фильмни суратга олмоқда. А. П. Чеховнинг шу номли ҳикояси асосида сценарийни А. Роом ёзган. Янги фильм режиссёр қалбига ниҳоят яқин ва қадрли. Унда мураккаб ахлоқий проблемалар ҳозирги замон кинематографияси учун актуал бўлган муаммолар ҳал этилади.

Суратда: Никифор ролида — артист А. Ханов, ошпаз ролида — артист И. Жевого ва Егорушка ролида — артист В. Золотухин.

В. Мастюков фотоси, ТАСС фотоси.

◆—◆—◆

Ургенч. Тошкентда Оғаҳий номли Хоразм область музыкали драма ва комедия театрининг гастроллари нетмоқда. Томошабинлар «Махтумқули», «Ошиқ Ғариб» ва бошқа спектаклларни кўришмоқда.

СУРАТДА: «Махтумқули» спектаклидан бир кўринишда Махтумқули ролида артист Олим Бекжонов, Менглихон — артист Ширин Рамазонова.

А. Отаев фотоси. (ЎзТАГ).



МОСКВА. И. В. Курчатов номли атом энергияси институтининг «Токамак — 3» установкасида совет олимлари билан биргаликда Катта илмий марказнинг ходимлари бўлмиш бир группа инглиз олимлари ҳам бошқариладиган термоядро синтези тезин проблемалари бўйича илмий ишлар олиб боришмоқда.

СУРАТДА: «Токамак—3» да бошқариладиган терма-ядро синтез установкаси проблемаларини ҳал қилаётган бир группа совет ва инглиз олимлари. (Чапдан ўнгга) Никол Пикок, Владимир Саннинов, Питер Вилнон, Майкл Форрест, Дерик Робинсон ва Сергей Мирнов.

О. Кузьмин фотоси, (ТАСС фотохроникаси).



НАМАНГАН ОБЛАСТИ. Учқўрғон районидаги Ленин номли совхоз республикамизнинг илғор хўжаликларидан бири. Ҳар йили бу ерда пахта, сабзавот ва бошқа экинлардан мўл ҳосил олинмоқда. Катта даромад маданият ва турмушни яхшилаш имкониятини беради. Посёлкада шинам уй-жой, маданий ва маиший бинолар, мактаб, шифохона, кутубхона, болалар муассасалари ишлаб турибди.

СУРАТДА: совхоз ветерани Иноят Камолов оиласида.

М. Ларионов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Редактор С. М. КАРОМАТОВ

Жаҳон шаҳарларига саёҳат



Жаҳондаги энг қадимги шаҳарлардан бири бўлган Багдод Дажла дарёсига қурилган Ал-Жумҳурия кўпригидан айниқса чиройли кўринади. Чап соҳилдаги Ат-Таҳрир майдонида Ироқнинг монархизмдан халос қилган 1958 йил 14 июль революцияси шарафига ўрнатилган ёдгорлик кўриниб туради. Салим Жавод лойиҳаси бўйича тикланган бу ёдгорлик баланд кўтарилган катта тошдан иборат бўлиб, ундаги бронза суратлар Ироқ халқининг меҳнат ҳаётини ва курашини ифодалайди.

Халифа Ҳорунар-Рашид номига қўйилган ар-Рашид кўчаси ва кенг, ҳозирги стилдаги Саадун проспекти шу майдонда туташади. Магазинлар, меҳмонхоналар, кинотеатрлар, банк идоралари ва жаҳондаги кўп мамлакатлар авиакомпаниялари вакилликлари биноларн Саадун кўчасида жойлашган.

Полициячилар хилмахил маркадаги машиналар ҳаракатини тартибга солиб турадн. Бу машиналар орасида бизнинг «Москвич», «Волга»ларимиз ҳам тезтез кўзга ташланиб туради. Автомашиналар ҳадимги транспорт воситасини деярли четга сўриб қўйди. Аммо ҳозир ҳам шаҳар кўчаларида туялярни кўриш мумкин. Машҳур араб тулпорлари ҳам учрайди. Лекин энди уларни кўпинча аравага қўшиб юришади.

Мамлакатда расмий дин ҳисобланган ислом пойтахт аҳолиси ҳаётига катта таъсир қилади. Кўп аёллар «абайю» ёпиниб юрадилар. Европача кийинган аёлларнинг кийими ҳам қора матодан тикилган. Калта юбка кийиш тақиқлаб қўйилган. Юбка тиззадан бир сантиметр пастроқ бўлиши зарурлиги расмий равишда эълон қилинган. Полиция эса бу қоидага риоя қилинишини кузатиб туради. Кут ва Карбало каби «муқаддас» шаҳарларда эса аёллар европача кийинib кўчага чиқишга ботинмайдилар, бундай аёлларни тошбўрон қиладилар.

Эркакларнинг кўпчилиги миллий ва европача кийимни аралаш киядн. Европача костюм кийинганлар бошида ҳам миллий бош кийими —куфия. Баъзилар тўпиғигача тушадиган оқ яхтак устидан костюм кийиб юрадн.

Домлалар, сўфилар бошига салла ўраб юришади, қўлларида эса—тасбеҳ. Шаҳардаги кўп мачитларнинг миноралари кўкка кучли динамиклар ўрнатилган. Намоз вақтида муаззинларнинг озоии ҳаммаёқдан эшитилади.

Кечқурунларн, салқин тушгач, кўп сонли қаҳвахоналар одамларга тўлиб кетади. Домино ўйнашади, совуқ сув, чой ёки қаҳва ичиб, гаплашиб ўтиришади. Кўп қаҳвахона, ресторан ва уйларда Тула самовари ярақлатиб қўйилади. Араб тилига русчадан самовар сўзи кирган.

Газ горелкалари устида сиҳда пиширилаётган товуқ ва ёғи чақчақ томиб турган қўй гўшти кштаҳани қитиқлайди. Ошпаз гўштнинг қизарган жойидан кесиб беради. «Гас» шу тарқа тайёрланади. Унга зираворн аралаштирилган сабзавот қўшиб берилади.

«Машҳур Бағдод бозорига бормабсан — Бағдодни кўрмабсан» дейишадн бу ердагилар. Чиндан ҳам Бағдод бозори (арабча—«Сук») устн ёпиқ бир шаҳарча, унинг ичида адашиб қолиш ҳеч гап эмас.

Бу ерда ҳамма нарса топилади. Нина ва ипдан тортиб тайёр кийимгача, оддий мис буюмлардан тортиб олтин ва кумуш бекаларгача — ҳаммаси шу ерда сотилади. Агар ҳар бир тор кўча, кўчалар устига у ерда сотиладиган моллар номи ёзиб қўйилса, тахминан қуйидагича бўларди: «Сук ал-аксия» [пойафзал савдоси], «Сук аззаволи» [гилам савдоси], «Сук албаззавин» [газлама савдоси], «Сук аллибос» [тайёр кийимлар савдоси] ва ҳоказо.

Бағдод бозорн шаҳарнинг бирнеча асрдан буён ўзгармаган ягона жойи деса бўлади.

Бағдод қадимги шаҳар. Бундан бир неча йил олдин шаҳарнинг 1200 йиллигн нишонланди. Бағдодга асос солган халифа Абужаъфар Мансур ўз мамлакатн пойтахтн учун Дажла дарёси Фирот дарёсига яқинлашадиган жойни Дажланинг ўнг соҳилини танлаган.

Бизгача етиб келган ривоятларга кўра, Бағдод Мансур томонидан олдиндан тузилган «бош план» асосида қурилган. Дажланинг ғарбий соҳилида 60 қишлоқни бузиб, ер текислаганлар. Сўнг нефтга ботирилган пахтани маълум тартибда қуйиб чиқиб, ўт ёқиб юборганлар. Кул шаҳар қай тартибда қурилишини кўрсатган эмиш.

Мансур ҳар томонга хат ёзиб, янги пойтахт қурилишига усталарни юборишни буюрган. Аббосийлар халифалигининг ҳамма шаҳарларидан усталар кела бошлаган. Дамасқ ва Куфадан бирнеча сарой коншоналарини бузиб келтирганлар.

762 йилда Абужаъфар Мансур янги пойтахт—Бағдод шаҳри пойдеворига ўзи биринчи ғишт қўйган. Унгача ҳечкимга маълум бўлмаган бир форс қишлоғининг номи шу тариқа шаҳар номига айланган. Бирнеча йилдан сўнг шаҳар қурилиши асосан тугалланган. У бир вақтнинг ўзида қалъа вазифасини ўтаган.

Тез орада Бағдод ва ундаги халифа саройи гўзаллигининг шуҳрати жаҳонга ёйилган. Бу ерга ҳамма жойдан одамлар кела бошлаган.

Шаҳарга келаётган йўловчига халифа саройининг 43 метр баландликдаги яшил минораси узоқдан кўринган. Минора устига найза ўшлаган отлиқ тасвирн ўрнатилган бўлиб, ривоятларга кўра, душман қаёқдан таҳдид қилса, отлиқ, ўша томонга ўгирилган.

...Вақт, Дажла дарёсининг тошиши, асосан эса — Бағдоднинг бутун-бутун районларини ер билан яксон қилган босқинчилар ҳужуми шунга олиб келдики, Дажланинг ғарбий соҳилида қалъа-шаҳарнинг деворлари қаерда бўлганлигини ҳозир аниқлаб бўлмайди. Дарёнинг шарқий соҳилида XI асрда қурилган шаҳар дарвозаси сақланиб қолган.

Бағдод қадимги ёдгорликлар, муаззинлар ва бозор шаҳригина эмас. Барча саноат корхоналарининг ярмидан кўпроғи пойтахтда жойлашган. Бағдод — Ироқ сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётининг маркази.

Янгилик эски анъаналарни четга чиқариб қўймоқда. Қадимги Бағдоднинг ички ва ташқи қиёфасини ўзгартмоқда. Ал-Жумҳурия кўчасидаги бузилиб кетган мачитнинг сақланиб қолган минораси — энг қадимги ёдгорлик ёнида ҳисоблаш марказининг замонавий услубда қурилган бинои қад кўтариб турибди. Ал-Жумҳурнянинг ўзи янги кўча. У эски кварталларни бузиб очилган.

Бағдодни реконструкция қилишнинг иккита пойиҳаси ишлаб чиқилган. Улардан бирини 10 йил ичида, иккинчисини 25 йил давомида амалга оширнш кўзда тутилмоқда. Ҳар қандай қадимги шаҳарни қайта қуришда юз берадиган техник қийинчиликлардан ташқари, муқаддас жойлар борлигини ҳам ҳисобга олиш керак. Уларни бузишга ҳечким ботинмайди. Ар-Рашид кўчасида бир уйнинг олд девори ва эшиги сақланиб қолган. Ривоятга кўра, бу ерда авлиёнинг сағанаси бор. Биноларни бузиш вақтида бир ишчи эшик олдида йиқилиб ўлиб қолади. Кейин аниқланишича, у электр симига тегиб кетган экан. Аммо одамлар «худонинг қаҳри келди» деб гап тарқатадилар. Динга ишонувчилар эшикка хина суридилар. Эшикнинг орқаси эса бирнеча йилдан буён бўш турибди...

Пойтахт темир йўл станцияси ёнида «Сит Зубайда» мақбараси қад кўтариб турибди. Айтишларича, Хорун ар-Рашиднинг хотини Зубайда шу ерда дафн этилган. Лекин бу исбот қилинмаган. Мақбаранн ким қурганлигини ҳам ҳечким билмайди. Аммо Ироқнн Басра билан боғловчи янги темир йўл лойиҳаси авторларини ҳамма билади. Унн совет мутахассислари тузганлар.

З. МАТЮШИНА.
А. МАТЮШИН.
[«Азия и Африка сегодня» журналидан].

Реклама ва эълонлар

Радио

4 ИЮЛЬ ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 «Коммунистик ахлоқ ва тарбия мавзуларида». 18.10 Увертюралар. 18.55 ЎЗБЕКИСТОНДА МОНГОЛИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ КУНЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ ЙИҒИЛИШНИНГ ЕПИЛИШИ Санъат саройидан олиб эшиттирилади. 21.00 Халқаро мавзуларда суҳбат (ўзбекча). 21.10 Қишлоқ механизаторлари учун концерт 22.40 «Навоий ва Ҳондамир» Филологияфанлари кандидати О. Ҳожиаҳмедов суҳбати (ўзбекча). 23.15 «Дам олиш соатида» деган концерт

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 С. Юдаков. «Ленин хотираси» поэмаси. 19.30 Грузия киноси куйлари. 20.00 Далада ишлаётганлар учун концерт (тожикча). 20.30 Симфоник рақслар. 20.50 «Моҳир сувчи» деган очерк (русча). 21.00 «Ҳаёт прогресснва адабиёти». Генрих Манн. «Садоқатлилар» романидан парча 21.40 «Ўзбекистоннн индустриальний» радиожурнали.

5 ИЮЛЬ ШАНБА

ХАЛҚАРО КООПЕРАЦИЯ КУНИ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.15 Тонгги концерт. 7.40 Халқ куйлари. 8.25 Янги ёзиб олинган асарлардан концерт. 9.30 М. Насимов. «Дилбарим» вокаллирик сюитаси. 10.30 Концерт. 11.15 «ДУГОНАЛАР» радиожурнали. 12.15 «ХАЛҚАРО КООПЕРАЦИЯ КУНИ». «Ўзбекбирлашув» правлениеси раис ўринбосари З. Файзуллаев сўзи. 12.25 Маглубот кооперацияси ходимларининг талабларига мувофиқ концерт (ўзбекча). 13.30 Эстрада оркестри чалади. 15.10 «Правда» газетасининг обзори. 15.20 «Фан ва турмуш» радиожурнали. 15.40 Концерт. 16.10 Эстрада концерти. 17.20 Уйғур куйлари. 17.50 «СОВЕТ КООПЕРАЦИЯСИНИНГ ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАРИ». «Ўзбекбирлашув» правлениеси раисининг ўринбосари В. Доленко сўзи.

18.00 С. Баласаняннинг «Лайли ва Мажнун» балети асосида концерт-очерк. 18.40 Спорт эшиттириши. 19.20 «Олтинқўл» музыкали драмасидан парчалар. 20.00 «Ленинном» программаси (ўзбекча). 20.40 Шўх концерт. 21.00 «Қардош социалистик мамлакатларда» (ўзбекча). 21.10 «Қишлоқ радиоклубида» деган музыкали эшиттириш. 22.20 «Шанба оқшомида» деган концерт. 23.10 Дам олиш концерти.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 Эстрада концерти. 9.15 Спорт эшиттириши. 19.00 Ҳавий ҳикоялар. 19.30 «Дўстлар билан учрашув» деган адабий эшиттириш (рўсча). 20.00 Сиз ёқтирган қўшиқлар (тожикча). 20.30 СССР халқ артисти Булбул Мамедов ижросида қўшиқлар. 20.50 «Китоб токчасида». 21.00 Чет эл композиторлари операларидан парчалар. 21.40 В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишланган эшиттириш (татарча).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 Ф. Легар. «Хушчақчақ бева» операттасининг монтажи. 14.30 Маҳомлардан парчалар. 16.30 Халқ радиотеатрининг «Келинчак» спектакли (русча).

18.00 «Дугоналар» радиожурнали.

Телевизор

4 ИЮЛЬ ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.30 Кўрсатувлар программаси. Рус тилида: 18.35 Телевизион янгиликлар. 18.55 Санъат саройидан Монголия Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги кунларига бағишланган йиғилишнинг тантанали ёпилиши олиб кўрсатилади. Танаффус вақтида ўзбек тилида телевизион янгиликлар.

Ўзбек тилида: 22.00 Июль ойи пахта парваришида зарбдор ой. 22.30 Севимли киноартистлари. Серго Закариадзе. Туғилган кунининг 60 йиллигига бағишланган эшиттириш.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

ЎҚУВ КЎРСАТУВЛАР ПРОГРАММАСИ

Ўзбек тилида: 18.00 Абитуриентлар учун. «Иншони қандай ёзиш керак?». 18.45 Абитуриентлар учун математикадан машғулот. 19.40 Атрофимизни қуршаган дунё.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

19.55 Кўрсатувлар программаси. 20.00 Янгиликлар. 20.10 Грозний телестудиясининг программаси. 21.10 «Пер-Гюнт». Музыкали телеспектакль премьераси. 22.30 Интервидение. Эстрада концерти. 23.30 «Дўстлик» мукофоти учун самбо бўйича иккинчи халқаро турнир. 24.00 Янгиликлар эстафетаси. 01.00 Рангли тедевидение программаси. «Ўн уч стул» миниатюралар телевизион театри. 02.05 Дам олиш программаси. 02.50 Янгиликлар, шарҳлашлар, кўрсатувлар программаси. 03.05 Москва кўрсатишларининг охири.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.00 «Хайдки кималарни куйлайди». Ҳужжатли фильм.

Рус тилида: 20.20 «Менинг бобом қизил казак». Телефильм. 20.55 «Шонр, олим, гуманист». Ҳужжатли фильм. 21.15 «Диэло». Фильм-конперт. 21.40 «Жазирама ёз». Фильмспектакль.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА

5 ИЮЛЬДА

ЁЗГИ БИНОДА

икки бўлимдан иборат

КАТТА КОНЦЕРТ

Қатнашадилар: СССР халқ артисти Лутфихоним САРИМСОҚОВА;

ЎзССР халқ артистлари Соиб ХУЖАЕВ, Турсунхон ЖАЪФАРОВА, Маҳмуджон ҒАФУРОВ, Эътиборхон ЖАЛИЛОВА.

ЎзССРда хизмати кўрсатган артистлар: Сурмахон АЛИЕВА, Бахтиёр ИХТИЕРОВ, Суръат ПУЛАТОВ.

Артистлар: Турсуной МАМЕДОВА, Адиба МИРЗАЕВА, Юлдузхон ИСМАТОВА, Мукаррам ҲАМРАЕВА, Назир ТУРСУНОВ, Раҳимжон ҲОЖИЕВ, Очил ҲУСАНОВ ва бошқалар.

Концерт неч соат 8 яримда бошланади.

Билетлар сотилмоқда.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 4|VII да Аджонларим, 5|VII да Мария Стюарт, 6|VII да Қонли сароб.

Кино

4 ИЮЛДА

ҚИШКИ БИНОДА

Париж — Варшава визасиз — САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 9.45 минут ва 11 яримда) «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК» кечқуруни).

Квартирага ордери бор ниши — «ЧАЙКА» (кечқуруни).

Тўй кунида — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кечқуруни).

Питкиннинг касалхонадаги саргузашти — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кечқуруни).

Ана-уна Сароянлар — НАВОИЙ номли (кечқуруни).

Қашқир наъраси — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 1 ярим, 3 ярим, 5 ярим ва 9 яримда).

ЁЗГИ БИНОДА

(Кеч соат 9 ва 10.40 минутда бошланади)

Серафим Фролов севгиси — ТЕЛЬМАН номли.

Париж — Варшава визасиз — «ФЕСТИВАЛЬ».

Занжирбанд орол — «ХИВА».

5 ИЮЛДА

ҚИШКИ БИНОДА

Париж — Варшава визасиз — САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 9.45 минут ва 11 яримда).

Квартирага ордери бор ниши — «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқуруни).

Тонгги учрашувлар — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқуруни).

Серафим Фролов севгиси — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқуруни).

Ана-уна Сароянлар — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқуруни).

Қашқир наъраси — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 1 ярим, 3 ярим, 5 ярим, неч 7 ярим ва 9 яримда).

ЁЗГИ БИНОДА

(Неч соат 9 ва 10.40 минутда бошланади)

Питкиннинг касалхонадаги саргузашти — ТЕЛЬМАН номли.

Париж — Варшава визасиз — «ФЕСТИВАЛЬ».

Занжирбанд орол — «ХИВА».

Тошкент оқшоми 4 БЕТ. 4 ИЮЛЬ. 1969 й.

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар Дзержинский кўчаси 15-уй Редакция телефонлари Коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари 33-29-33 33-29-09 масъул секретарлар —33-27-22 партия совет ва касаба союз ташкилотлари шаҳар хўжалиги бўлимлари 33-29-42 адабиёт санъат ва маданият бўлими 33-29-55 хатлар ва оммавий ишлар, физкультура ва спорт бўлимлари—33-29-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари 33-27-57 саноат транспорт, қурилиш бўлимлари —33-27-03 ахборот бўлими —33-65-57 эълонлар бўлими—33-81-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриёти нинг босмахонаси Тошкент шаҳри

НАШР 2791 Р. 14414 Индекс 64579.